

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**


СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2018 йил
ЯНВАРЬ-ИЮНЬ**

Термиз – 2018

SURXONDARYO VILOYATI



СЎЗ БОШИ

Сурхондарё вилоятининг статистик ахборотномаси Сурхондарёнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи вилоят статистика бошқармасининг чорақлик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2018 йил январь-июнь ойлари яқунлари бўйича Сурхондарё вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2018 йилнинг II чорагидан бошлаб, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Сурхондарё вилоятининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ–2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ–2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,Д,Е,Ғ секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Секция А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯХМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 10 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистика ахборотномасида саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, нарх, меҳнат бозори ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	–	ялпи ички маҳсулот	л.	–	литр
%.	–	фоиз	0,0	–	катта бўлмаган миқдор
млрд.	–	миллиард	м.	–	марта
млн.	–	миллион	–	–	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	–	миллион АҚШ доллари	га.	–	гектар
кв.	–	квадрат	тн.	–	тонна
км.	–	километр	1), 2), 3)	–	изоҳнинг мавжудлиги
м.	–	метр			

МУНДАРИЖА

Номи	бет.
АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР	8
I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ	9–10
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби	9
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг вилоятлар ва тармоқлар бўйича тақсимланиши	10
II. САНОАТ	11–13
Саноат тармоғининг асосий кўрсаткичлари	11
Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари	11-13
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ	14–19
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларининг ҳажмлари	14–16
Деҳқончилик ва Чорвачилик	16–19
IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ	20–23
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	20–21
Ижтимоий соҳа объектларини қуриш	22-23
V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК	24–25
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари	24–25
VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ	26-29
корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари	26–29
VII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР	31-34
экспорт-импорти таркиби	31-34
VIII. ТРАНСПОРТ	35-36
Юк ташиш, юк айланмаси ва йўловчи ташиш транспорт турлари	35-36
IX. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ	36-38
Чакана товар айланмаси, бозор хизматлари	36-38
X. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ	39-44
Аҳолининг табиий ҳаракати, ўлим, туғилиш, никоҳ, ажралиш	39-44

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар 2018 йил январь-июнь

	млрд. сўм	2018 йил январь-июньга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	6216,9	106,3
Саноат маҳсулоти	1280,3	129,9
Истеъмол товарлари	517,1	105,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3804,3	106,5
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	2258,9	139,7
Қурилиш ишлари	1115,7	105,3
Юк айланмаси (млн. тн-км)	335,7	100,1
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км)	2802,4	102,5
Чакана товар айланмаси	4172,6	103,6
Хизматлар, жами	2504,6	107,6
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл)	317,7	172,5
Экспорт	98,3	141,7
Импорт	219,4	191,1
Сальдо (+;-)	-121,1	x

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-июнида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 6216,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 6,3 фоизга тенг бўлди.


2018 йил январь-июнь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 124,4 фоизни ташкил қилди.

Январь-июнь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби


	<i>млрд.сўм</i>		<i>2017 йил январь-июньга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2017 йил</i>	<i>2018 йил</i>	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	4701,1	6216,9	106,3
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	4535,7	5999,4	106,2
Маҳсулотларга соф солиқлар	165,4	217,5	108,5
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	4535,7	5999,4	106,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1733,0	2488,0	106,5
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	712,5	991,5	115,9
саноат	329,9	492,9	128,1
қурилиш	382,6	498,7	105,3
Хизматлар	2090,2	2519,9	102,7
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	565,0	701,8	102,8
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	335,3	367,1	104,5
бошқа хизматлари	1189,9	1450,9	102,1

**Январь-июнида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби
(фоизда)**

2017 йил



2018 йил



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи кўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат(қурилишни кўшган ҳолда)
- Хизматлар

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири хизматлар (102,7%) тармоқларидаги ялпи кўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 72,9 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2017 йил январь-июнига нисбатан -0,4 фоизга камайди.

2017 йил январь-июнида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 42,0 фоиз (2017 йил январь-июнида 46,1 фоиз)ни ташкил қилди.

II. САНОАТ

2018 йил январь-июнида саноат маҳсулоти ҳажми 1280,3 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 129,9 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 517,1 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2018 йил январь-июнига нисбатан 105,2 фоизни ташкил этди. Жумладан, 375,8 млрд. сўмлик озиқ-овқат, 19,1 млрд. сўмлик ароқ-вино ва пиво маҳсулотлари, 122,2 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2018 йил январь-июнига нисбатан мос равишда (104,1 фоиз, 100,8 фоиз ва 109,7 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилнинг январь-июнь ойларида 0,2 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



**2017 йил январь-июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат
маҳсулотини ишлаб чиқариш**


	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	1280,3	129,9
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш	78,9	116,3
<i>улардан:</i>		
Кўмир ва лигнит, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	16,9	159,6
Бошқалар	56,5	112,0
Қайта ишлаш саноати	1102,3	133,1
<i>ундан:</i>		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	355,3	111,8
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	320,8	322,9
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари	11,2	116,6
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	2,4	114,6
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	157,2	94,7
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	3,5	118,3
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	2,6	111,0
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	85,6	120,5
Металлургия саноати	1,6	118,6

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Мебель ишлаб чиқариш	17,5	101,4
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	12,6	96,9
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	73,0	103,8
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	26,0	128,3
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	517,1	105,2
<i>шу жумладан:</i>		
озик-овқат товарлари	375,8	104,1
ноозик-овқат товарлари	122,2	109,7
Вино-арок ва пиво ичимликлари	19,1	100,8

Ш. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2018 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 3804,3 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 106,5 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачиликда 3738,2 млрд. сўмни, овчиликда 0,06 млрд. сўмни ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажмида 52,1 млрд. сўмни, ўрмончилик хўжаликларида 5,5 млрд. сўмни (104,9 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 8,4 млрд. сўмни (134,4 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Ҳосил йиғими. 2018 йил январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан дон ва дуккакли дон-жами 466090 тонна (87,1 фоиз), картошка 224655 тонна (117,6 фоиз), 620809 тонна сабзавот (105,3 фоиз), полиз 57331 тонна (129,3 фоиз), мева 76646 тонна (105,4 фоиз) ва 18921 тонна узум (174,5 фоиз) етиштирилди.

Чорвачилик. 2018 йил 1 июль ҳолатига 2017 йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 104,3 фоизга (жами 885,5 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 98,8 фоизга (316,6 минг бош), қўй ва эчкилар 105,7 фоизга (2260,7 минг бош), паррандалар 115,2 фоизга (4088,7 минг бошга) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,1 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,7 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 71,3 фоизни ташкил этди.

2018 йил 1 июль ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

	<i>минг бош</i>	<i>ўсиши суръати, %</i>
Йирик шохли қорамол	885,5	104,3
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	38,3	75,5
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	837,1	106,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	10,1	101,0
улардан сигирлар	316,6	98,8
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	13,9	76,8
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	300,6	100,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,1	100,0
Қўй ва эчкилар	2260,7	105,7
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	351,6	108,2
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1853,7	105,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	55,4	100,2
Отлар, бош	13774	96,1
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	2210	87,2

	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	11226	97,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	338	100,6
Паррандалар	4088,7	115,2
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	696,8	2,3 м
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	2431,6	106,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	960,3	100,1

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,5 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,3 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 94,9 ва 4,4 фоизни, қўй ва эчкилар 82,0 ва 15,6 фоизни, отлар 81,5 ва 16,0 фоизни, паррандалар 59,5 ва 17,0 фоизни ташкил этди.


2017 йилнинг январь-июнида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 82,8 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 7,3 фоизга кўп), 414,6 минг тонна сут (8,0 фоизга кўп), 211,4 млн. дона тухум (31,8 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

2018 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича

	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	82,8	107,3
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	3,3	117,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	78,7	106,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,8	131,8
Сут, минг тн.	414,6	108,0
<i>шу жумладан:</i>		

	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
Фермер хўжаликлари	8,0	130,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	405,2	107,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,4	124,1
Тухум, млн. дона	211,4	131,8
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	21,2	3,2 м
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	129,6	116,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	60,6	142,8

2017-2018 йил январь-июнь ойларида
Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)



- Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар
- Фермер хўжаликлари

Фермер хўжаликлари. 2018 йилнинг январь-июнида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 532,8 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 94,7 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжалиklarининг улуши 14,0 фоизни ташкил этди.

2018 йил 1 июль ҳолатига фермер хўжалиklarида 38,3 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 13,9 минг бош сизир, 351,6 минг бош қўй ва эчкилар, 2210 бош от, 696,8 минг бош паррандалар мавжуд.

2018 йил январь-июнь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари


	январь-июнь				2017 январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил		2018 йил		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Дон ва дуккакли дон жами	412370	77,0	344394	73,9	83,5
Картошка	1549	0,8	4885	2,2	3,1 м
Сабзавот	35765	6,1	32847	5,3	91,8
Полиз	842	1,9	4416	7,7	5,2 м
Мева	17445	24,0	17251	22,5	98,9
Узум	2183	20,1	7461	39,4	3,4 м
Гўшт, тирик вазнда	2836	3,7	3332	4,0	117,5
Сут	6126	1,6	8002	1,9	130,6
Тухум, минг дона	6677	4,2	21153	10,0	3,2 м
Қиркиб олинган жун, центнер	1637	12,4	2192	15,9	133,9

2018 йил январь-июнь ойларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби туманлар кесимида


Соғиб олинган сүт
(минг.тонн)



Гўшт ишлаб чиқариш
(тирик вазин минг.тонн)



Олинган тухум
(ўн минг.дона)



Қирқиб олинган жун
(тонна)



IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-июнида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 2 трлн. 258,9 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 139,7 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	2258,9	139,7	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	670,7	136,8	29,7
бюджет маблағлари	48,1	31,1	2,1
давлат мақсадли фонд маблағлари	165,7	147,2	7,3
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	279,3	249,5	12,4
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	177,6	160,8	7,9
Марказлашмаган инвестициялар	1588,2	141,0	70,3
корхоналарнинг ўз маблағлари	492,5	131,8	21,8
аҳоли маблағлари	395,2	87,1	17,5
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	17,0	22,4	0,8
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	683,5	304,3	30,2



**2018 йил январь-июнида асосий капиталга киритилган
инвестицияларнинг технологик таркиби**

	<i>жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
Жами, млрд. сўм	2258,9	399,5	1859,4
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
курулиш-монтаж ишлари	64,9	89,3	59,6
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	29,3	6,7	34,2
Бошқа харажатлар	5,8	4,0	6,2

**Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий
фаолият турлари бўйича**
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

январь-июнь
2017 й.

январь-июнь
2018 й.



- Уй-жой қурилиши
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Электр, газ, буг билан таъминлаш ва хавони кондициялашда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
- Кишлоқ, урмон ва балиқ хўжалигида
- Ташиш ва саклашда
- Тог-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Қурилиш
- Профессиял, илмий ва техник фаолият
- Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа фаолият турлари

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2017 йил январь-июнига нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 2,3 фоизли пунктга ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 1,3 фоизли пунктга кўпайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 3,6 фоизли пунктга камайган.

	Барча манбалар ҳисобидан	
	Фойдаланишга топширилди	
	жами	шу жумладан қишлоқ жойларда
Уй-жой, умумий майдони минг.кв.м	472,2	341,0
ундан:		
якка тартибдаги уй-жойлар	471,6	340,5
якка тартибдаги уй-жойлар намунавий лойиҳалар бўйича шаҳар ва қишлоқ жойларда	0,6	0,5
Касалхоналар, ётоқ ўрни	110	-
Умумий таълим ва махсус мактаблар, ўқувчилар ўрни	40	40
Сув тармоқлари, км	4,7	4,7
Газ тармоқлари, км	-	-

2018 йил январь-июнига умумий майдони 472,2 минг кв.м. бўлган 3159 та (2017 йил январь-июнига нисбатан 74,0 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 341,0 минг кв.м. (68,7 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 457,8 млрд. сўми ёки ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 70,8 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 71,3 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 11,0 фоизини ташкил қилди.


Коммунал қурилиш соҳасида 4,7 км узунликдаги ичимлик суви ишга туширилди, бу 2017 йил январь-июнига нисбатан мос равишда 8,7 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 25,9 млн. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоги
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2017 йил январ-июнь

2018 йил январ-июнь



Қурилиш фаолияти. 2018 йил январь-июнида 1115,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2017 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 105,3 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 69,1 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 26,0 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 4,9 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 86,2 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1091,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 97,9 фоизни (2017 йил январь-июнга нисбатан ўсиш суръати 108,2 фоизни) ташкил қилди.

V. КИЧИК (БИЗНЕС) ВА ТАДБИРКОРЛИК

2018 йил 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 12196 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-июнида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 72,9 фоизи (2017 йил январь-июнида 73,3 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 528,8 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 41,3 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 107,2 фоизни ташкил қилди;

2018 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3778,0	99,9
Саноат	528,8	41,3
Қурилиш	912,5	81,8
Чакана савдо	3870,5	82,2
Юк ташиш, млн.тн.	16,8	17,6
Йўловчи ташиш, млн.киши	111,0	72,3
Экспорт, млн. АҚШ долл.	82,1	6,2
Импорт, млн. АҚШ долл.	210,0	15,9

- 3778,0 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотлари ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) бўлиб, ўсиш суръати 106,4 фоизни ташкил қилди.

- 692,7 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 30,7 фоизи) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 104,6 фоизни ташкил қилди.


- 912,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 81,8 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 100,4 фоизни ташкил қилди.

- автомобил транспорти юк айланмаси 5,7 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмаси 89,8 фоизи), йўловчи айланмаси эса 3,3 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 97,3 фоизи) кўпайди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 92,8 фоизи ёки 3 трлн. 870,5 млрд. сўми (ўсиш 103,1 фоиз), хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 72,9 фоизи ёки 1825,1 млрд. сўми (ўсиш 102,3 фоиз) шакллантирилди;

- 82,1 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 83,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 210,0 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 95,7 бараварга) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодий тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йил 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 15872 тани ташкил қилиб, шундан 15047 таси ёки 94,8 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 3833 та (24,1 фоизи), саноат 1916 та (12,1 фоизи), қурилиш 1722 та (10,9 фоизи), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги 1255 та (7,9 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1109 та (7,0 фоизи), ташиш ва сақлаш 719 та (4,5 фоизи), соҳаларига тўғри келади.


2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	15872	100,0	15047	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмонвабалиқ хўжалиги	1255	7,9	1139	7,6
саноат	1916	12,1	1838	12,2
қурилиш	1722	10,9	1671	11,1
савдо	3833	24,1	3613	24
ташиш ва сақлаш	719	4,5	688	4,5
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1109	7,0	1046	7,0
ахборот ва алоқа	225	1,4	210	1,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	273	1,7	269	1,8
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	4820	30,4	4573	30,4

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 82,8 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 43,2 фоизи хусусий корхоналар, 0,8 фоизи чет эл сармойаси иштирокидаги корхоналар, 56,0 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар
мулкчилик шакллари**

(1 июль ҳолатига, умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)



2018 йил январь-июнда жами 1769 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари - 1584 та). Уларнинг асосий қисми Термиз шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 16,3 фоизи), Денов (13,7 фоиз), Шўрчи (10,7 фоиз), Қумқўрғон (8,3 фоиз), Жарқўрғон (6,8 фоиз), Қизирик (6,3 фоиз) туманларига тўғри келди.

Рўйхатга олинган юридик шахсларни мулкчилик шакллари бўйича тақсимлаш (2018 йил 1 апрель ҳолатига)
(фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз)

	Жами, бирлик	Умумий сонга нисбатан, фоиз ҳисобида		
		давлат	нодавлат	шундан хусусий
Вилоят бўйича:	15872	17,2	82,8	35,8
<i>шаҳар:</i>				
Термиз	3111	10,2	89,8	35,9

туманлар:

Ангор	748	17,5	82,5	35,2
Бойсун	761	19,1	80,9	31,7
Денов	1923	15,9	84,1	37,1
Жарқўрғон	1244	16,3	83,7	36,3
Қумқўрғон	1013	22,1	77,9	38,0
Қизирик	812	24,3	75,7	28,6
Музработ	653	21,1	78,9	36,0
Олтинсой	655	28,5	71,5	32,7
Сариосиё	921	22,7	77,3	37,6
Термиз	1093	11,6	88,4	33,0
Узун	933	19,4	80,6	50,9
Шеробод	957	19,4	80,6	37,3
Шўрчи	1048	17,7	82,3	27,6

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 24,0 фоизи савдо, 14,7 фоизи саноат ва 11,6 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 327 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 72 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 22,0 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Кичик корхоналар ва микрофирмалар сони

(фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз)

(бирлик)

	2018 йилнинг 1 июлига рўйхатга олинган	2018 йилнинг январь-июнда	
		ташкил топди	тугатилди
Вилоят бўйича:	12196	2457	315
<i>шаҳар:</i>			
Термиз	2590	255	54
<i>туманлар:</i>			
Ангор	571	137	42
Бойсун	582	106	17
Денов	1524	293	13
Жарқўрғон	975	175	1

Қумқўрғон	713	191	23
Қизирик	559	206	30
Музработ	474	131	8
Олтинсой	418	161	5
Сариосиё	644	220	12
Термиз	932	116	8
Узун	686	84	3
Шеробод	720	141	67
Шўрчи	808	241	32

2018 йил январь-июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)




VII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

2018 йилнинг январь-июньда ташқи савдо айланмаси 317,7 млн. АҚШ долларини, жумладан 98,3 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари, 219,4 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг сальдоси -121,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2018 йилнинг январь-июнида МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (минг АҚШ доллари)

	январь-июнь		2017 йил январь-июньга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 й.	2018 й.	
Ташқи савдо айланмаси	184169,9	317701,0	172,5
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	55100,5	113487,4	2,1м
бошқа давлатлар	129069,4	204213,6	158,2
Экспорт	69366,5	98291,4	141,7
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	32060,6	48233,6	150,4
бошқа давлатлар	37305,9	50057,8	134,2
Импорт	114803,4	219409,6	191,1
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	23039,9	65253,8	2,8м
бошқа давлатлар	91763,5	154155,8	168,0

**2017-2018 йил январь-июнида вилоят ташқи савдо айланмасида
МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши**




■ МДХ давлатлари
■ Бошқа давлатлар

2017 йилнинг январь-июнида вилоят экспорт-импорти таркиби

	<i>Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида</i>		<i>Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида</i>
	<i>2017 йил январь-июнь</i>	<i>2018 йил январь-июнь</i>	<i>2017 йил январь-июньга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Экспорт таркиби	100,0	100,0	141,7
пахта толаси	2,7	0,7	36,7
озиқ-овқат маҳсулотлари	81,8	86,0	149,1
энергия манбалари маҳсулотлари	3,5	2,1	85,4
машина ва ускуналар	-	-	-
Хизматлар	1,6	1,7	151,0

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2017 йил январь-июнь	2018 йил январь-июнь	2017 йил январь-июньга нисбатан фоиз ҳисобида
Бошқалар	10,4	9,5	128,5
Импорт таркиби	100,0	100,0	1,9м
озик-овқат маҳсулотлари	7,4	30,3	7,8м
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	10,3	8,2	152,5
энергия манбалари маҳсулотлари	0,5	0,3	105,6
қора ва рангли металллар	15,2	1,9	24,2
машина ва усқуналар	58,6	50,7	165,3
Бошқалар	-	0,1	-

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)




**2018 йилнинг январь-июнида вилоят ташқи савдоайланмасида
катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси**

	<i>Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида</i>	<i>2017 йил январь-июньга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Казахстан	18,2	2,6 м
Россия	9,9	121,5
Пакистан	9,5	19,7 м
Китай	9,4	64,4
Афганистан	8,8	124,1
Турция	7,0	3,5 м
Республика Корея	5,7	5,1 м
Латвия	5,6	332,8 м
Германия	4,0	3,5 м
Индия	3,9	5,7 м
Таджикистан	3,5	29,4 м
Украина	3,3	3,6 м
Швейцария	2,6	717,1 м
Вьетнам	1,6	29,8 м
Литва	0,9	12,3
Польша	0,9	111,7
Япония	0,6	33,8 м
Иран, Исламская Республика	0,6	68,9
Италия	0,6	9,6 м
Израиль	0,5	187,5
Соединенное Королевство	0,4	54,0
Венгрия	0,3	-
Испания	0,3	7,0 м
Туркменистан	0,3	43,9
Азербайджан	0,2	3,6 м
Румыния	0,2	10,7 м
Кыргызстан	0,2	121,1
Беларусь	0,1	40,5
Аргентина	0,1	-
Объединенные Арабские Эмираты	0,1	18,9
Соединенные Штаты Америки	0,1	47,2
Грузия	0,1	3,6 м
Словения	0,1	192,4 м
Ирак	0,1	18,0
Чешская Республика	0,1	17,1
Бошқа давлатлар	0,4	23,5


2017 йил январь-июнида МДХ ва бошқа хорижий давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби

Экспорт

МДХ




Бошқа хорижий




Импорт

МДХ



Бошқа хорижий давлатлар



- Пахта толаси
- Озик-овкат махсулотлари
- Кимё ва пластмасса махсулотлари
- Энергия манбалари
- Кора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошкалар

VIII. ТРАНСПОРТ

Юк ташиш. 2018 йил январь-июньда барча транспорт турлари томонидан 21,9 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2017 йил даражасида қолди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 335,7млн. тн-км.ни ташкил қилди ва 0,1 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади

	2018 йил январь-июнь	2017 йил январь-июньга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	21,9	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	21,9	100,0
Юк айланмаси, млн. тн-км	335,7	100,1
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	335,7	100,1

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси


	2017 йил январь-июнь	2018 йил январь-июньга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	114,6	101,3
шу жумладан, автомобил транспортида	114,6	101,3
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	2802,4	102,5
шу жумладан, автомобил транспортида	2802,4	102,5

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2017 йил январь-июнга нисбатан 2,5 фоизга кўпайди ва 173,4 млн. тн-км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 51,6 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-июньда 50,4 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2018 йил январь-июнида барча транспорт турлари томонидан 114,6 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 101,3 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 2,5 фоизга бажарилиб, 2802,4 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортда йўловчи айланмаси 2017 йил январь-июньга нисбатан 1,8 фоизга кўпайди ва 2315,0 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 82,6 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-июньда 83,2фоиз).

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади



- Ташилган юк
- Юк айланмаси

IX. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2018 йил январь-июнида чакана товар айланмаси 4трлн.172 млрд. 588,0 млн. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,6 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-июньга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Жами	4172,6	103,6	100,0
<i>шу</i> <i>жумладан; мулкчилик шакллари бўйича</i>			
давлат мулки	0,8	59,9	0,02
нодавлат мулки	4171,8	103,6	99,98
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	3181,5	92,4	76,2

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2018 йил январь-июнида 302,1 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,8 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йил январь-июнь ойларида 3465,2млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,3 фоизга ошган.

2018 йил январь-июнида чакана савдо айланмаси таркиби

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-июньга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Чакана товар айланмаси	4172,6	103,6	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
савдо корхоналари	302,1	109,8	7,2
Якка тартибдаги тадбиркорлик	3465,2	103,3	83,0
уюлмаган сектор (ташкил этилмаган савдо фаолияти)	405,3	101,6	9,8

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 76,5 млрд. сўмга етди ёки 2018 йил январь-июньга нисбатан 8,5 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 1,4 фоизга ошди ва 1652,0 минг сўмни ташкил этди (2017 йил январь-июнь ойиларида 1337,0 минг сўмни ташкил этган).

2018 йил январь-июнида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 2504,6 млрд. сўмни, шу жумладан кишлоқ жойларида 824,4 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 32,9 фоизини ташкил қилди. 2017 йил январь-июньга нисбатан ўсиш 107,6 фоизга етди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2018 йилнинг январь-июнида

	млрд. сўм	2017 йил январь-июньга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	2504,6	107,6	100,0
<i>Шу жумладан:</i>			
хизмат турлари бўйича			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	163,4	113,3	6,5
молиявий хизматлар	297,7	143,8	11,9
транспорт хизмати	441,4	101,4	17,6
<i>шу жумладан:</i> автотранспорт хизматлари			
яшаш ва овқатланиш хизматлари	96,9	107,5	3,9
савдо хизматлари	1032,9	102,1	41,2
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	76,2	104,0	3,0
таълим соҳасидаги хизматлар	67,5	133,2	2,7
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	24,9	107,9	1,0
ижара ва прокат хизматлари	61,6	107,1	2,5
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	79,2	100,5	3,2
бошқа шахсий хизматлар	82,4	100,4	3,3
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	16,7	126,7	0,7
бошқа турдаги хизматлар	63,8	102,6	2,5

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо хизматлари (жами хизматларнинг 41,2 фоизи), транспорт (17,6 фоизи) хизматларига тўғри келди.


Шунингдек, молиявий хизматлар (143,8 фоиз), таълим соҳасидаги хизматлар (133,2 фоиз), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил

соҳасидаги хизматларнинг (126,7 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (113,3 фоиз), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (107,9 фоиз) ва яшаш ва овқатланиш хизматлари (107,5 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

Вилоятда статистика бошқармаси томонидан кичик корхона ва микрофирмаларда ўтказилган танланма кузатув натижаларига кўра улар томонидан ишлаб чиқарилган хизматлар ҳажми 2018 йил январь-июнь ойларида 330,2 млрд.сўм миқдорида баҳоланди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 103,7 фоизни ташкил этди (жами вилоят хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 13,2 фоиз).

Ўз навбатида, вилоятда яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми 1495,0 млрд.сўм миқдорида ҳисоб- китоб қилинган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 102,0 фоизни ташкил этди (жами вилоят хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 59,7 фоиз).

2018 йил январь-июнида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари



- Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати
- Молиявий хизматлар
- Транспорт хизмати
- Яшаш ва овқатланиш хизматлари
- Савдо хизматлари
- Кучмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар
- Таълим соҳасидаги хизматлар
- Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар
- Ижара ва прокат хизматлари
- Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари
- Бошқа шахсий хизматлар
- Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар.
- Бошқа турдаги хизматлар

X. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил 1 июл ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2537,9 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 23,7минг кишига ёки 0,9 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнида

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2017 й.	2018 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш	2017 й.	2018 й. ¹⁾
Туғилганлар	28695	29556	861	23,4	23,6
Ўлганлар	5496	5219	-277	4,5	4,2
<i>шу жумладан: бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан</i>	290	314	24	10,1	10,6
Табиий ўсиш	23199	24337	1138	18,9	19,4
Никоҳлар	8652	9363	711	7,1	7,5
Ажралишлар	827	1048	221	0,7	0,8

2018 йил январь-июнда туғилганлар сони 29556 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (28695 киши) нисбатан 861 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мосравишда 23,6 промиллени ташкил қилди, ва 2017 йилнинг шу даврига (23,4 промилле) нисбатан 0,2 бирликка кўпайди.

Туғилиш даражасининг кўпайиши вилоятнинг Термиз шаҳри шаҳрида (19,9 дан 18,9 промиллега), Денов (25,3 дан 24,2 промиллега), Жарқўрғон (26,9 дан 25,4 промиллега), Қумқўрғон (24,0 дан 22,1 промиллега), Шўрчи (24,5 дан 23,7 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2018 йил январь-июнда ўлганлар сони 5219 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (5496 киши) нисбатан 277 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,2 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-июнида – 4,5 промилле).


¹⁾ дастлабки маълумот

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 55,9 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 6,3 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 24,5 фоизи туғма аномалиялардан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Ўлганлар сонининг кўпайиши Шўрчи (4,7 дан 4,9 промиллега) туманларида кузатилди.



Шаҳар ва қишлоқ жойларида яшовчи аҳолининг таркиби

(2018 йил 1 июль ҳолатига, минг киши)



Никоҳлар ва ажралишлар. 2018 йил январь-июнда ФХДЁ органларида 9363 та никоҳлар ва 1048 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 7,5 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 7,1 та) ва 0,8 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида - 0,7 та) тўғри келади.


**Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони
(2018 январь - июнь ойларида)**



Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-июнда вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 6745 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 7366 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 621 кишига (2017 йилнинг шу даврида - минус 875 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Жаркўрғон (минус 128), Денов (минус 379), Музработ (минус 84), Ангор (минус 112) ва Узун (минус 107), Шўрчи (минус 112), туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнида



Изоҳлар учун

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ
2018 ЙИЛ ЯНВАРЬ-ИЮНЬ**

Наширга масъул:

**Статистика фаолиятини ташкил этиш
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими**
тел. (0-376) 223-07-18

Буюртма рақами №__ ____. ____.18 й. Тираж __ нусха

Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси
Термиз ш., И.Каримов кўчаси 62а-уй